



№ 23-3/2661

« 3 » 10 2022 yil

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим
вазирининг ўринбосари
Р.Р.Ҳақимовга

Хурматли Рахимжон Расулжонович,

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан «Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси»да белгиланган устувор вазифаларни изчил амалга ошириш, ҳамда 2019 йил 4 октябрдаги «2019-2030 йилларда Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4477-сон қарори ижросини таъминлаш юзасидан, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг 2022 йилда ўтказиладиган республика илмий ва илмий-техникавий анжуманлар режасига мувофиқ Тошкент Молия институтида 2022 йил 24 ноябрь куни соат 10⁰⁰да «Янги Ўзбекистоннинг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегиясининг гуманистик-фалсафий, ижтимоий-тарихий жihatлари» мавзусида республика илмий-амалий конференцияси ўтказилиши режалаштирилган.

Шу муносабат билан, Сиздан вазирлик тизимидаги олий таълим муассасаларини ўтказилиши режалаштирилган конференциядан хабардор қилишда ва уларнинг иштирок этишида амалий ёрдам беришингизни сўраймиз.

Иловада: 1 ахборот хати, 2 бетда
Хурмат билан,

Ректор

Ижрочи: Примов М.Н.
Тел.: +998 94 657 64 88

Т.Гешабаев



Тошкент Молия институти “Ижтимоий фанлар” кафедраси томонидан 2022 йил 24 ноябрда “Янги Ўзбекистоннинг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегиясини қўллаб-қувватлаш ва илмий асослашнинг ижтимоий-тарихий ва фалсафий йўналишлари” мавзусида ўтказиладиган республика илмий-амалий конференциясининг

АХБОРОТ ХАТИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси»даги устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги “2019-2030 йилларда Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисидаги” ПҚ-4477-сон қарори ижросини таъминлаш юзасидан, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг 2022 йилда ўтказиладиган республика илмий ва илмий-техник анжуманлар режасига мувофиқ Тошкент Молия институтида 2022 йил 24 ноябрь куни соат 10⁰⁰ да “Янги Ўзбекистоннинг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегиясини қўллаб-қувватлаш ва илмий асослашнинг ижтимоий-тарихий ва фалсафий йўналишлари” мавзусида республика илмий-амалий конференцияси ўтказилиши режалаштирилган.

Конференциянинг мақсади - республика иқтисодиётида энергия самарадорлигининг паст даражаси, табиий ресурслардан ноқиллона фойдаланиш, технологиялар янгиланишининг сустлиги, «яшил иқтисодиёт»ни ривожлантириш учун инновацион ечимларни жорий этишда кичик бизнес иштирокининг етарли эмаслиги мамлакатни барқарор ривожлантириш соҳасидаги устувор миллий мақсадлар ва вазифаларга эришишга тўсқинлик қилмоқда. Узоқ муддатли стратегиянинг мавжуд эмаслиги «яшил» технологияларни жорий этиш ва «яшил» иқтисодиётга ўтиш бўйича тизимли чоралар кўришни таъминлашга имкон бермаяпти. Мазкур масала Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги “2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисидаги” ПҚ-4477-сон қарорида айнан “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегиясини такомиллаштириш масаласини кун тартибига қўйди. Шунинг учун бугунги кунда қўллаб мунозараларга сабаб бўлиб келаётган “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегиясини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга, соҳага инновацион ва “яшил” технологик ечимларни қўллашни янада ривожлантириш борасида илмий-амалий таклифларни тайёрлаш бўйича олиб борилаётган ислохотларни олимлар, соҳа мутахассислари, ёш тадқиқотчи-изланувчилар иштирокида муҳокама қилиш, натижаларни баҳолаш, иқтисодиётни инновацион тараққий эттириш юзасидан илғор тажрибаларни

Ўзбекистон амалиётида қўллаш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Республика илмий-амалий конференция ўз ишини **2022 йил 24 ноябр** куни Тошкент вақти билан соат **10⁰⁰** да бошлайди.

Конференция қуйидаги йўналишларда ўтказилади:

1. *Инсон фаолиятининг «Яшил» иқтисодиётга салбий таъсирининг тарихий негизлари, уни бартараф этиши муаммолари ва ривожлантириши стратегияси;*
2. *Тарихий манбалар ва илмий тадқиқотларда экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиши масалалари;*
3. *«Яшил» иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш ва уни ривожлантиришининг ижтимоий-фалсафий жиҳатларини тадқиқ этиши ва илмий асослашнинг долзарб масалалари;*
4. *«Яшил» иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш ва уни ривожлантиришида молиявий ва номолиявий механизмларни шакллантириши масалалари.*

Конференцияга тақдим этиладиган илмий тезисларни расмийлаштирилиш талаблари:

1. Илмий тезислар ўзбек, рус ва инглиз тилларида қабул қилинади. Илмий тезислар ҳажми 4-5 бетдан кўп бўлмаган ҳолда, электрон вариантда тақдим этилади.

2. Илмий тезислар Microsoft Word дастури матн редакторида, 14 ўлчамли Times New Roman шрифтида, 1,5 интервалда, юқори ва пастдан 2,0 см, чапдан 3 см, ўнгдан 1,5 см қолдирилган ҳолда расмийлаштирилган бўлиши керак. Ушбу талабларга жавоб бермайдиган илмий тезислар қабул қилинмайди. Матнда фойдаланилган мисол, кўчирма ва маълумотлар аниқлиги учун жавобгарлик муаллиф зиммасида бўлади.

3. Мавзу (бош ҳарфлар билан), бир интервал пастдан муаллифлар Ф.И.Ш., лавозими, кейин ташкилот номи, телефон рақами ва электрон почта манзиллари кўрсатилади.

Илмий тезислар **2022 йил 5 ноябргача** қабул қилинади, муддатидан кеч тушган, конференция мавзусига ва баён этилган талабларга мос келмаган илмий тезислар қабул қилинмайди. Конференция материалларини нашрга тайёрлаш учун бадал взнослари бир бетига ўн минг сўми ташкил этади.

Конференцияни ўтказиш учун масъул: Тошкент молия институти “Ижтимоий фанлар” кафедраси. **Ташкилий қўмита:** *Мухиддин Нарзуллаевич Примов +998 94 657 64 88, Фарход Собирович Зияев + 998 98 101 33 35, Санжар Саидмурод ўгли Шойимов +998 91 954 64 98.*

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 60 а.